



ОЛИН БАКТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 1 март, сешанба № 35 (1876)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АСОСИЙ ЭЪТИБОР КАМЧИЛИКЛАРГА ҚАРАТИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш ва шаҳарни 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди.

Шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган йиғилишида ўтган йил мобайнида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муайян силжиларга эришилгани, иқтисодий эркинлаштиришга, ташқи иқтисодий фаолият ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, ички маҳсулот ҳажми 4, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 4,8, чакана савдо айланмаси 14,2, пуллик хизматлар кўрсатиш 5,7 фоиз ортди. Ташқи иқтисодий алоқалар кўлами кенгайди, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 36,1 фоиз кўпайди.

Йиғилишида шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти Юрбошимиз белгилаб берган вазифалар асосида чуқур таҳлил этилди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу борада зарур кафолатларни яратишга мутасадди тузилмалар томонидан етарлича аҳамият берилмаётгани қайд этилди.

Банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган амалий ёрдам натижаларини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу соҳага молиявий кўмак қўшимча солиқ имтиёзлари беришда банклар масъулиятини янада ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Уй-жой-коммунал хўжалигини ислох қилиш жараёни суст бораётгани алоҳида таъкидланди. Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса ана шу ресурсларнинг исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсиши ва аҳоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Фаоллар йиғилишида мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари белгиланди, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев сўзга чиқди. (ЎЗА)




Телефон – энг қулай алоқа воситаси. Кейинги пайтда эса унинг имкониятлари янада кенгаймоқда. «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясига қарашли «Қорақалпоқтелеком» филиалининг бу борада асосий мақсади мазкур тизимдаги янгиликларни ўзлаштириш баробарида аҳоли талаби даражасида хизмат кўрсатишга қаратилгандир.

Бугунги кунда Нукус шаҳридаги «ЭАТС-222» (электрон автоматлаштирилган телефон станци-

яси)да ўн минг абонент тоқаси мавжуд. Унинг 6038 таси аҳолига, 3962 таси эса корхоналарга хизмат кўрсатмоқда. «ЭАТС-222» жамоаси шу йилнинг январ ойида аҳолига 15 миллион 318 минг 923 сўмлик алоқа хизматини кўрсатди.

Суратларда: операторлар Света Торемутова, Гавҳар Кулумбетова.

Бердиниёв АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И**

2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 феврал

### КАСПАРОВНИНГ ЭЪТИРОФИ

Испаниянинг Линарес шаҳрида дунёнинг энг қучли етти шахматчиси иштирок этаётган «Ciudad de Linares» супертурнири кизгин давр этмоқда.

1978 йилда илк мартаба ташкил этилган ушбу турнир бугунги кунга келиб, ҳақли равишда шахмат оламининг нуфузли мусобақаридан бирига айланган. Турнирда Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ ўтказган жаҳон чемпионатининг ғолиби Рустам Қосимжонов илк мартаба иштирок этмоқда.

Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини кийганидан буён (2004 йил) иккита нуфузли халқаро турнир, жаҳон шахмат олимпиадасида ўнлаб гроссмейстерларга қарши дونا суриб, ижобий натижани қўлга киритиб келмоқда.

Рустам Қосимжонов маълумиятсиз одимларини Линаресдаги супертурнирда ҳам давом эттирмоқда. У дастлабки, икки учрашувда мезбонлар вакили Франсиско Вальехо ва «Ciudad de Linares»нинг саккиз карра ғолиби Гарри Каспаров билан дуранг ўйнади.

Учинчи турда Рустам Қосимжонов англиялик гроссмейстер Майкл Адамсга қарши дона суриди. Ўзбекистонлик гроссмейстер ўтган йили жаҳон чемпионатининг финалида Майкл Адамснинг енгиб, жаҳон шахмат тожига эга бўлганди.

(Давоми 4-бетда)

### Биздан озод ва обод ватан қолсин ЙЎЛСОЗЛАР

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, йўл қурилиши соҳасидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йўлни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим асоси ҳисобланади. Айниқса, йўл қурилиши соҳасидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йўлни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим асоси ҳисобланади. Айниқса, йўл қурилиши соҳасидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йўлни иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим асоси ҳисобланади. Айниқса, йўл қурилиши соҳасидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

## Вилоят касаба уюшмалари конференциясидан

### ТАЛАБЧАНЛИКНИ ҲАР КИМ ЎЗИДАН БОШЛАСИН

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган ўта муҳим ва бағоят долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ишתיқидида меҳнат қилмоқда. Шу боис конференцияда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон омилига эътиборни кучайтириш юзасидан алоҳида гал борди. Музокараларда сўзга чиққанлар ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни илоҳи борица тезроқ бартараф этишга қаратилган аниқ тақлифларни илгари суридилар. Биз яхши англаймизки, дейилди анжуманда, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётганларнинг эртанги кунини ёруғ бўлади.

#### ЖИЗЗАХ

Йўлларига қаратилди. Вилоятда нодавлат тизимидаги корхоналар улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирга келиб барча корхона ва ташкилотларнинг 94,5 фоизи нодавлат секторида тўғри келади. Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиёти нодавлат сектор мавқеининг ошиб бориши, фермер хўжалиқлари, хиссадорлик жамиятлари, қўшма ва кичик корхоналар, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан касаба уюшма ташкилотларининг асосий эътибори – иш берувчи ва ёлланма ходим меҳнатига оид муносабатларини ижтимоий шерикчилик тамойили асосида мувофиқлаштириш масаласига қаратилди. Бу ўз навбатида тармоқ келишув ва битимлари ҳамда жамоа шартномалари

### ИЗЧИЛЛИК ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАГАНДА...

Бугун давр ҳар бир кишидан янгича тафаккур, ишга янгича ёндошушни талаб қилмоқда. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар самараси ўлароқ изланувчанлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик кенг қанот ёзаётди. Албатта, бунда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларининг ҳам роли каттадир. Зеро, касаба уюшмалари ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда етакчи куч саналади. Ҳўш, бу масъулиятли ва зифа қай даражада адо этилмоқда? Касаба уюшмалари меҳнатқашлар ишончини қозона олаётими? Вилоят касаба уюшмалари конференциясида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ана шу нуқтага назардан кўриб чиқилди, таҳлил этилди.

#### СИРДАРЁ

Таъкидлаш ўринлики, ўтган беш йил вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳаётида муайян из қолдирди. Фаолиятда бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари тузиш, экспертизадан ўтказиш сифатини ошириш мақсадида тахсисга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномаларида бажарилиши лозим бўлган тадбирларнинг иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан асосланган мажбуриятлари тўла аксини топди. Шунингдек, жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши мунтазам назоратга олинди. Натижада ушбу меъёрий ҳужжатларнинг таъсирчанлиги кескин ошди. Ўтган даврда жамоа шартномаларининг умумий сони 1083 тадан 5948

### ИЗЧИЛЛИК ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАГАНДА...

тага ошганлиги, бу орқали 165 минг нафардан ортиқ меҳнатқашлар ҳимояга олинганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Жамоа шартномаларининг муҳим бандларидан бири меҳнатқашларга ҳақ тўлашдаги мунтазамликка эришиш хисобланади. Бинобарин, анжуманда иш ҳақи ва бошқа тўловлардаги қарздорликни бартараф этиш юза-сидан қилинаётган ишларга батафсил тўхталиб ўтилганлиги ҳам бежиз эмас. Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи тўлинишига доир қўшимча чораларни ўз ичига олган қарздорлик кўлами, сабаблари ҳамда муаммоларни бартараф этиш бўйича мониторинг ташкил қилинди. Ўтган даврда 326 та корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига расмий талабномалар киритилди. Бунинг натижасида 2 миллиард 183 миллион 851 минг сўмлик иш ҳақи ундирилди. Маҳаллий ҳокимият идораларига эса 191 марта мурожаат этилиб, 1 миллиард сўмдан ортиқ олий маошлар ўз эгаларига тарқатилди. Бу борада, айниқса, прокуратура органлари билан ҳамкорлик қутулган самарани берди. Шунинг билан бирга бу муҳим масаланинг касаба уюшма раёсат йиғилишларида муҳокама қилингани ҳам бесамар кетмади. Иш ҳақидан қарздорлик 1 миллиард 808 миллион 347 минг сўмга камайtirилди. (Давоми 2-бетда)

### ДАЪВО асосли деб топилди

Бош Қомусимизнинг 44-моддасида «Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», дейилган. Фуқароларнинг мурожаати ўзаро ҳуқуқий муносабатларнинг умумий аҳолини, кишиларнинг фаоллигини, турмуш даражасини, эҳтиёжларини, талаб-истакларини яққол тасаввур этиш ҳамда тегишли ҳулосалар чиқариш учун асосий омил ҳисобланади. Шу боис уларнинг ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар қандай қонунийлашлардан суд орқали ҳимоя қилинишига ва уларнинг суд алоқатида ишончи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнининг қонуний асосини тақомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилди. Юрбошимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида асосан умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига бўлиниши айтилган пайтда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини

янада кучайтириш ҳамда чекланган ҳуқуқларини тиклашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳуқуқий ҳимоя кафолатланганлиги туфайли фуқаролар томонидан судларга мурожаатлар сони ва уларнинг тури кўпайди.

Ҳисобот маълумотларига қараганда, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларига 2004 йил мобайнида 14163 та даъво аризалар қилиб тушган. Мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 76 тага камайган бўлса-да, айрим тоифа ишлар бўйича

кўпайганлиги кузатилди. Жумладан, моддий ва маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ 84 та фуқаролик ишлари кўрилган. 2003 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 3 тани ташкил этганди. Даъво аризалари сони эски 94 фоизга асосли деб топилди, қаноатлантирилган. Бундай кўрсаткичларни бошқа тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича ҳам кузатиш мумкин. Бу эса фуқаролар қонун талабларини тейдорроқ англаётганини кўрсатади.

Ўтган йил давомида фуқаро-

### Хуқуқий ҳимоя

лик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, қонуний тартибга қилиш борасида ҳам ишлар олиб борилади. Бу давр давомида жами 303 та маъруза, сўхбат ва бошқа оғзаки тадбирлар ўтказилди. Оммавий аҳборот воситаларида жами 72 та чиқишлар қилинди.

480 та фуқаролик ишлари сайёр суд мажлисларида қўрилди. Бу ҳолат низоларни ҳал этишда ижобий самара бермоқда. Жумладан, никоҳдан ажратилиш ҳақидаги даъволарни сайёр суд мажлисларида қўрилиши йўлга қўйилди, 201 ҳолатда тарафларнинг ярашганлиги ёки даъводан воз кечганлиги сабаби иш юришти тугатилди, оиналарнинг бузилиб кетшининг олди олинди.

Фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан

кўзгатилади. Судга даъво ариза бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 15-бобида батафсил ёрилган. Шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида Олий Мажлисининг 13 сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан амалдаги фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибиди иш юритиш ҳақида алоҳида «20-1 боб» билан тўлдирилди. Бунга қўра 3 та ҳолатда, яъни биринчидан, агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса, иккинчидан, агар

талаб ёзма битимга асосланган, жавобгар томонидан тан олинган бўлса, учинчидан, агар ота-ликни белгилаш ёки унинг шахсларни ҳалд этиш зарурати бўлмаган ҳолда вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса суд буйруғи асосида ҳал этилиши қайд қилинган.

Бир сўз билан айтганда, даъво аризаларини қонунда белги-ланган тартибда, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг дастлабки кўринишидир.

**Ш.МУЗАФФАРОВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари

### Хуқуқий ҳимоя

лик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, қонуний тартибга қилиш борасида ҳам ишлар олиб борилади. Бу давр давомида жами 303 та маъруза, сўхбат ва бошқа оғзаки тадбирлар ўтказилди. Оммавий аҳборот воситаларида жами 72 та чиқишлар қилинди.

480 та фуқаролик ишлари сайёр суд мажлисларида қўрилди. Бу ҳолат низоларни ҳал этишда ижобий самара бермоқда. Жумладан, никоҳдан ажратилиш ҳақидаги даъволарни сайёр суд мажлисларида қўрилиши йўлга қўйилди, 201 ҳолатда тарафларнинг ярашганлиги ёки даъводан воз кечганлиги сабаби иш юришти тугатилди, оиналарнинг бузилиб кетшининг олди олинди.

Фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан

кўзгатилади. Судга даъво ариза бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 15-бобида батафсил ёрилган. Шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида Олий Мажлисининг 13 сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан амалдаги фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибиди иш юритиш ҳақида алоҳида «20-1 боб» билан тўлдирилди. Бунга қўра 3 та ҳолатда, яъни биринчидан, агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса, иккинчидан, агар

талаб ёзма битимга асосланган, жавобгар томонидан тан олинган бўлса, учинчидан, агар ота-ликни белгилаш ёки унинг шахсларни ҳалд этиш зарурати бўлмаган ҳолда вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса суд буйруғи асосида ҳал этилиши қайд қилинган.

Бир сўз билан айтганда, даъво аризаларини қонунда белги-ланган тартибда, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг дастлабки кўринишидир.

**Ш.МУЗАФФАРОВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари







Урганч шаҳридаги виллоят халқ таълими бошқармасига карашли 6-лицей-интернатда ёш авлодни билмондон, юксак маънавиятга эга тарбиялашга кенг аҳамият қаратилмоқда. Бу ерда 275 нафар ўқувчи табиий ва ижтимоий фанлар бўйича таълим олаётган. Уларга 40 нафар педагог маҳорат билан сабоқ бер...

(Боши 1-бетда) Шунинг учун ҳам учинчи турдаги беллашувлар орасида Р.Қосимжонов - М.Адамс баҳси кўпба муқимсу мутахассислар эътиборини жалб қилди. Майкл Адамс бу гал ҳам Рустамга тенг келолмади. Учрашувда дуранг натижа қайд этилди.

Мазкур турнинг қолган учрашувларида Гарри Каспаров испаниялик Франсиско Вальехонга мағлубиятга учратди, Петер Лекко (Венгрия) эса хиндистонлик Вишванатан Анандга дуранг тақлиф қилди.

Хамюртимиз Рустам Қосимжонов туртинчи тур беллашувда 2000 йилги жаҳон чемпиони Вишванатан Анандга қарши дونا сурди. Айтиш жоизки, В.А.нанд оқ донларда ўйнагани боис баҳс давомда устуликка эга бўлди. Хатто хиндистонлик шахмат устасида учрашуви галаба билан яқунлашга яқин имконият турганлиги. Лекин Рустам Қосимжонов ўта мураккаб вазиятдан оқилана чиқиб кетди ва рақибини дуранг тақлиф этишга мажбур қилди - 0,5:0,5.

### КАСПАРОВНИНГ ЭЪТИРОФИ

Албатта, Рустамнинг мураккаб вазиятларни бартраф этиши муҳлису мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Туртинчи турда ҳам олган Гарри Каспаров шахматчиларнинг ўйинини четдан кузатди. У Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд баҳси хусусида фикр билдириб, ўзбекистонлик шахматчини қийин ҳолатдан чиқиб кета билганини, ўзи ўйнаган партида ҳам шундай бўлганини алоҳида эътироф этди. Рустам Триполидаги жаҳон чемпионатида ҳам мана шундай ишончли ўйнаб, галабага эришганда, деди ўн учинчи жаҳон чемпиони Гарри Каспаров.

Туртинчи турнинг яна икки учрашувда англиялик Майкл Адамс Испаниянинг энг қучли шахматчиси Франсиско Вальехонга устун келди, болгариялик Веселин Топалов эса венгриялик Петер Лекко билан дуранг ўйнади.


Кули рақибларига муносиб қаршилиқ кўрсатган Рустам Қосимжонов бешинчи турда Веселин Топалов билан куч синашди. Рустам болгариялик шахматчини жаҳон чемпионатининг ярим финалида мағлубиятга учратган эди. Лекин бу гал икки номдор гротмейстер баҳсида голиб аниқланмади. Дуранг - 0,5:0,5.

Бешинчи турнинг қолган натижалари қуйидагилар: Ф.Вальехо - В.Ананд - 0,5:0,5, Г.Каспаров - М.Адамс - 1:0.

Мусобақада тўртта учрашувда иккидан галаба ва дурангга эришган Гарри Каспаров 3 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни 2,5 очко жамғарган Вишванатан Ананд ҳамда Рустам Қосимжонов эгаллаб турибди.

Рустам Қосимжонов навбатдаги учрашувда «Ciudad de Linares» турнирининг 2003 йилдаги голиби - венгриялик Петер Леккога қарши дونا сурди.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, УЗА шарҳловчиси



соҳа вакиллари билан; аълочи ўқувчи Комилжон Саидов.

И.ХАСАНОВ олган суратлар

### Умумий ўзунлиги юз минг километрдан ошадиган Буюк Ипак йўли ўтмишида Насаф, Нахшаб, Нахшбало ва ниҳоят Қарши деб аталмиш йирик аҳоли масканлари орқали ўтган қадимий воҳани Шарк ва Фарб мамлакатлари билан боғлаган.

Инсоният тамаддуни илк ўчоқларидан бири бўлган Қарши нафақат савдо-сотиқни ривожлантириш, балки турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида маънавий, маданий, диний, илмий алоқаларни йўлга қўйишга салмоқли хисса қўшган илмуурфон маскани ҳисобланади. Тарих гувоҳи кўна Ерқўрган, Шулликтепа, Захокимарон ёдгорликлари бағрида ўтмишини не-не сирусинаотларини пинҳона сақлайди.

Насаф хамиша гуллаб яшнаган макон бўлган. Салобатли ва нақшкор иморатлар, масжид ва мадрасалар, ҳоким калъаси ўз даврининг қўлигул усталари, машҳур мейморлари томонидан бунёд этилган обидалар жаҳон илм-фани маданий тарқиётида муҳим ўринни эгаллаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қароридан сўнг юбилейга ҳозирлик авж олиб кетди. Мухандислар, бинокор усталар, мейморлар тарихий обидаларни таъмирлашга киришдилар. Кенг кўламлиги қурилиш ва ободончилик тадбирлари бошланди.

Қарши шаҳри тарихини ўрганишга Юртбошимиз Қашқадарёда раҳбар бўлиб ишлаган даврда киришилган эди, - дейди биз билан суҳбатда шахр ҳокимининг биринчи ўринбосари Нормурод Хамзаев. - Ҳушанда илк бор ўлкашунослик музейи, Шаҳрисабз ва Қаршининг улкан мейморий обидаларини таъмирлаш соҳасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди.

Ўттиз йиллик илмий-амалий фаолиятини Насаф тарихини ўрганишга бағишлаган таниқли археолог олим Рустам Сулаймонов бошчилигидаги мутахассислар миллиондан аввалги VI - V асрларда тараққий топган Ерқўрган шаҳри ҳаробаларини ўрганиб, жанубий Ўзбекистон ҳудудига яшаган халқларнинг ўрф-одатлари, маданияти ва таққи дунё билан алоқалари ҳақида жуда кўп маълумотлар тўпладилар. Профессорнинг «Нахшаб - унутилган тамаддуни сирлари» ва «Древний Нахшаб» каби китобларида асосли тарихий фактлар, қизиқарли маълумотлар келтирилган.

### АЪЛОЧИЛИК МУКОФОТИ ГОЛИБЛАРИ

«Инглиз тилини ўқитиш аълочилиги мукофоти» халқаро дастурида республикамиз мактаблари моҳир ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этиб, голибликни кўлга киритишмоқда. АКСЕЛС дастури доирасида ушторилган бундай танловнинг навбатдаги саккизинчи ҳам кутилган натижасини берди.

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ўқувчиларга инглиз тилидан лухта билим беришга эришган 18 нафар тажрибали педагог голибликни кўлга киритишди.

Аълочилик мукофотида сазовор бўлганлар орасида Хоразм вилояти Бағон тумани қишлоқ ҳужалиги коллежи ўқитувчиси Жуманазар Қурамобоев, Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Альбина Шарипова ва бошқалар бор.

Голиблар шу йилнинг эида Америкада бўлиб, ўз билим ва малакаларини оширадилар.

### Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

«Қашқадарёнефтьгаз» қишлоқ таъмирлаш ва қишлоқ хиссдорлик жамиятининг бинокорлари томонидан 20 миллион сўмлик иш бажарилади. Келажакда ҳамма қулайликларга эга маданият ва маърифат қошонаси қад кўтарилди.

Қадимда Қарши бозори Марказий Осиёдаги машҳур савдо-сотиқ марказларидан ҳисобланган. Лойиҳа қийма-

тисини баҳорлаштириш тадбирлари бажарилади. Талимархон иссиқлик электр станцияси қурилиш бошқармаси бунёд этган 3 минг ўринли амфиئاتр бунёд қилинишида 120 миллион сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди.

Шаҳарга турли мамлакатлардан сайёҳлар келиб турилади. Улар учун қайтадан қурилаган «Тонг» меймонхо-

винч» хотин-қизлар минифутбол жамоаси республика чемпионлигини кўлга киритди. 20 минг ўринли янги ўйингоҳда спорт ишқибозлари учун қулайликлар яратилди. Бундан ташқари 73 та ички автомобиль йўллари ҳам тартибга келтирилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яқинлаш мақсадида 15,7 километр қувурлар алмаштирилди, иккита об-ҳаёт иншооти таъмирланди, 29300 дона сув ўлчас асбоблари ўрнатилди. Бундай хайрли тадбирларга 300 миллион сўм маблағ сарфланган. Амир Темур, Алишер Навоий, Махтумқули, Мустақиллик кўчаларидаги 16,4 километрик янги сув тармоқлари қурилишига қариб 1 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Газ таъминоти тубдан яқинлашди. 6,3 километр янги газ қувурлари қурилиб, 17 километрик эски тармоқлар алмаштирилди. 51700 дона табиий газ сарфини ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди. 4 та буғ қозонхонаси ва 8,7 километр иситиш қувурлари мукамил таъмирланди. Маҳалларда 16,1 километрик электр тармоқлари янгитдан қурилиб, 13 километрик эски тизим таъмирланди ва қишлоқларда Майдонлар ва марказий қўчаларда ёриткичлар ўрнатилди. Аҳолига транспорт хизмати қўрсатишни яқинлаш учун янги автобуслар келтирилди. Шаҳар санитария тозалаш тармоғи 10 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди. Юбилейга 6 та кўп қаватли ўй битказилиб, 172 та оила янги туғилди.

Қарши шаҳрининг кўна харобаларидан топишган ва топилаётган осяри-атикалар аждоқларимиз ўтмиши, бой маънавияти, турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар беради. Улкан қурилиш майдонига айланган қадимий Насаф истиклол шарофати тўғрисида ўзининг навқиронлик ёшини бошдан кечирмоқда.

И.СОМИДИНОВ

## ИПАК ЙЎЛЛАРИДАН ЎТГАН ҚАРВОНЛАР

Уз даврида Ерқўрган қадимий Бақтриянинг Балх ва Меропотамиянинг Суза шаҳарларидан қилишмайдиган йирик аҳоли маскани бўлиб, жанубий Сўғдиёна пойтахти ҳисобланган.

Шаҳарнинг ўтмиш маданияти ва салохиятидан гувоҳлик берувчи мейморий обидаларни таъмирлаш, уларнинг тарихини тиклаш ва ободонлаштириш юмушлари авж олдириляпти. Хўжа Убайди Жаррох (XIV аср), Кўкғумбаз (XVI аср) масжидларини, Абдулла-из, Бөхмир, Қўличбек мадрасаларини таъмирлаш аниқ дастур асосида олиб бориляпти. Кўкғумбаз масжидида 600 миллион сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. Хўзирга қадар 300 миллион сўмликдан ортиқ таъмирлаш ва йўмакорлик юмушлари амалга оширилди. 21 тонна металл, 130 кубометр ёғоч тахта материаллари келтирилди. 300 минг дона безалик гишлар тайёрланди. Мажмуада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошмадаги илмий ишлаб «қаршиш бирлашмасининг 200 дан ортиқ усталари ишлашляпти. Шайбонийлар сулоласининг вақили Абдуллахон даврида бунёд этилган XVI аср ёдгорлиги «Кўкғумбаз» масжиди миллийлик кашф этиб, давр нафаси билан ўйгунлашиб кетади.

Республикада энг йирик «Махалла маркази» бунёд эти-

ти 2,4 миллиард сўмлик янги «Деҳқон бозори» мажмуасини «Санотқурилишхизмат» компанияси бунёд эталяпти. Шаҳарнинг тарихий майдонини очиб ва марказий қўчаларини кенгайтириш натижасида қўчилари билан 32 хонадонли кўп қаватли туғар-жой қуриляпти.

Бошлар дам олиш истироҳат боғи, унинг атрофидаги 3 та катта кўл об-ҳавонини мустахкамлаштирилади. «Седона» хусусий фирмаси томонидан истироҳат боғида 66,3 миллион сўмлик иш бажариляпти. Кўркам дараклар, анвойи гуллар билан ўралган яшил ҳудудда озлаб фаворалардан отиладиган сув дилга хуш ёқиб, иқлимни мусофао сақляпти.

Мустақиллик майдони янада кўркамлашляпти. «Сатурн» фирмасининг қўлгул қурувчилари лойиҳа қиймати 490 миллион сўмлик мажмуани 2005 йил 1 августга қадар фойдаланишга топиштириш учун бутун куч-ғайратларини ишга солишляпти.

Марказий истироҳат боғини севимили дам олиш масканига айлантириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ 150 миллион сўмлик ободонлаштириш ва

наси ва «Қабуллар уйи» энг яқини маъзилгоҳ бўляди.

Вилоят марказининг бош дарвозаси Қарши аэропорти янги қўёфа кашф этади. Хар қуни самога ўнлаб ҳаво лайнерлари қўтариляётган аэропорт биноси ички қисминини қайта пардозлаш учун 49 миллион, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 100 миллион, шаҳар томон борадиган Махтумқули кўчасини ободонлаштиришга 80 миллион сўм маблағ ажратилган.

Қарши темирйўл станцияси, темирйўл вокзали, «Темирйўлчилар» шаҳарчаси, «Локомотив» спорт мажмуаси янги қўёфага кириши учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Темирйўл шох бекати ҳам ободонлаштирилди.

600 ўринли олимпиа заҳиралари спорт коллежи мамлакатдаги улкан қурилишлардан бири. «Қашқадарёдеҳқонқурилиш» 19-очик хиссдорлик жамияти жамоаси томонидан лойиҳа қиймати 8 миллиард 103 миллион сўмлик иш бажарилиб биринчи навбати йил охиригача фойдаланишга топиштириши керак. Айнаи пайтда 800 га яқин қурувчи кенча-қундуз тинимсиз меҳнат қилаётган мажмуада 3 миллиард сўмликдан ортиқ иш қилинди.

Қашқадарёнинг «Насаф», «Машъал», «Шўртан» футбол жамоалари олий лига мусобақаларида қатнашмоқда. «Се-

Наблюдательный совет «Ишлабчиқариш тижорат маркази» о проведении Общего собрания акционеров, которое состоится 6 апреля 2005 года в 15.00. в здании ОАО «Ишлаб чиқариш тижорат маркази» по адресу г.Ташкент ул. Курбанова, 46. Регистрация участников собрания проводится с 14.00. часов Повестка дня

- 1.Отчет исполнительного органа об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 года. 2.Утверждение бухгалтерского баланса счет прибыли и убытков за 2004 год. 3.Утверждение распределения чистой прибыли размером дивидендов форма оплаты и срок выплаты. 4.О заключении договора найма с директорам Общества на 2005 года. 5.Избрание членов Наблюдательного совета. 6.Отчет и избрание ревизионной комиссии. 7.Об утверждения аудиторской организации на 2005 года.

Балансовый отчет открытого акционерного общества «Ишлаб чиқариш тижорат маркази» за 2004 год.

Актив	Сумма (тыс.сум)	Пассив	Сумма (тыс.сум)
1.О ситохонная стоимость основных средств	61345,6	1.Уставный капитал	51708,0
2.Производственным в запасы	2681,9	2.Добавленный капитал	
3.Денежные средства	8117,1	3.Резервный капитал	14686,6
4.Дебиторская задолженность	20147,7	4.Кредиторская задолженность	6447,2
5.Прочие активы	5729,5	5.Прочие пассивы	3455,6
		6.Перераспределенная прибыль	21724,4
Баланс:	98021,8	Баланс:	98021,8

Финансовый результат за 2004 год (тыс сум) Чистая выручка от реализации - 71017,5 — Прибыль до уплаты налогов — 35480,2 — Затраты на производство Реализованной продукции — 49716,5 — Чистая прибыль 21724,4

Достоверность финансовых результатов подтверждена аудиторской фирмой «Виктор Аудит» (Лицензия №00081 от 19.06.01.г. выданная Министерством финансов РУз)

Сообщение о существенном факте Порядковый номер сообщения - 07

- 1.Дата принятия решения - 25 февраля 2005 г. 2.Дата закрытия реестра и списка акционеров - 5 марта 2005г. С материалами отчетного собрания можно ознакомиться в бухгалтерии по адресу г.Ташкент ул.Буюк Турон 41, 3-й этаж, ком. 33, тел 136-55-95.

Наблюдательный совет

### Тахририятга йўлланган ёлгон жавоб узидан

кат раиси турли баҳоналарни рўқаб қилишдан нариги ўтмай, масаланинг ижобий ҳал бўлишини ўй эгалари ҳужима қолдирди. Аммо, «аҳвол шундайлигини била туриб, нега ёлгон жавоб йўлладингиз?» деб сўраганимизда, у бирлашмага юқорида келтирилган мазмундаги жавобни юрбомағанилигини айтиди.

Шундан сўнг, ширкат мутаасдилари бизга бирлашмага йўллаган мактуб нусхасини тақдим этишди. Лекин лифтинг сўзлаш масаласи «Дўстлик-коммуналчи» ширкати ва «Тошкентлифт» масъуляти чекланган жамият мутасаддилари ўртасида бир неча бор қўриб чиқилгани ҳақидаги ҳужжат, подьезд эшикларни таъмирлангани, йўлак ойналарининг солингани ва ертўлагада қурувлар ювганига тўғрисидаги қувват далолатномадан бўлиб ҳеч қандай маълумотга қўзимиз тушмади. Иссиқлик тизими ёки лифтингнинг солингани хусусида бирор гап ёзилмаганди.

## ҲАММАЁҚ ҚОҒОЗБОЗЛИК амалий ишдан эса дарак йўқ

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Г.Норматовга ёзилган бу хатда, «...Дадабоев кўчаси 1- ва 2-уйларнинг 1 подьездларидаги лифтар электр энергиясининг йўқлиги сабабли ишламаяпти. Қолган 6 подьезддаги лифтар ишга яроқли...» каби жумлалар бор эди. 2005 йил 25 январ куни «Дўстлик-коммуналчи» ширкати раиси имзоси билан тузилган далолатномада эса юқоридаги ҳолат қуйидагича таърифланди:

«1.Буйлардаги иситиш тизими қондиқари бўлиб, бошим С.Раҳимов туман 8-таъмирлаш бошқармаси техник қуриғида белгиланган меъёр асосида амалга оширилмоқда. 2. Ишламаётган лифтлар бўйича.

Дадабоев кўчаси 1 уй, 1 подьезд — двигатель йўқ («Тошкентлифт» трестининг айти билан 2 йилдан бери ўрнатилмаган).

Дадабоев 1-уй 2 подьезд — лифт кабиналаридаги гиригувчи тугмачалар ишламаяпти.

Дадабоев 2 уй, 1 подьезд — лифт авария ҳолатида бўлганлиги учун ўчирилган...»

Ҳаммаёқ қоғозбозлиги, ишдан эса дарак йўқ. Биринчисида Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг 2004 йилнинг 12 декабр санаси қайд қилинган бўлса, иккинчиси 2005 йилнинг 25 январ куни «бирлашмага мен бундай жавоб йўлмаганман», деб ўзини оқлагаша унинг ширкат раиси томонидан ёзилган.

Қишининг илк ойларида чоп этилган мақоладаги «қиш эшик қоқмоқда», «қиличнини яланғочлаб қиш келаяпти» каби жумлаларнинг баҳор арафасида ҳам ечимини топмаганлиги кишини ажаблантиради. Ўй эгаларининг неча йилдан бери овораю сарсон бўлаётганликлари билан «Узоқмуналхизмат» Агентлиги раҳбарларининг хабарлари бормикан?

Р.МАҲКАМОВА, «Ишонч» муҳбири

# ISHONCH

Муассис: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Телефонлар: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир курсатқиси: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонасида чоп этилди, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.